

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратларда Алишер Навоий номидаги Катта академик театрининг мақола муаллифи архивдан олинган эски кўриниши ва сураткаш мухбиримиз Сергей Любичининг театрининг Истиқлол йилларидаги ўзгача чирой ва маҳобат касб этган ҳозирги манзараси тасвирланган.



Навоий театри қандай қурилган?

Бизнинг буюк ажодларимиз архитектура-бинокорлик маданияти ҳам ўзининг ўқ илдизи қадим-қадимларга қараб кетган оқсоч тарихи билан ниҳоятда бойдир. Туронзамин, Мовароуннаҳрларда бунёд этилган беназир намуналар ҳанузгача башар аҳлини ҳайратга солиб келади.

Ўзбекистон Республикаси архитектура-маданиятининг XX асрда бунёд этилган гўзал ва инсон завқини келтирадиган иншооти бинокорлик ҳақида сўз борганда биз пойтахтимиздаги Муқимий номи ўзбек Давлат мусиқали театри биносини ҳамда Алишер Навоий номидаги Катта академик театрининг гўзал ва муҳташам бинокорлигини ҳам албатта тилга оламиз. Бу бинокорлик ҳамда ҳақонининг, архитектура санъатининг, қурувчи ва усталар меҳнатининг бунёдкорлик иқтидорининг улкан самарасидир. Шу ўринда Алишер Навоий номидаги Катта академик театрининг гўзал ва муҳташам бинокорлигини ҳам албатта тилга оламиз. Бу бинокорлик ҳамда ҳақонининг, архитектура санъатининг, қурувчи ва усталар меҳнатининг бунёдкорлик иқтидорининг улкан самарасидир. Шу ўринда Алишер Навоий номидаги Катта академик театрининг гўзал ва муҳташам бинокорлигини ҳам албатта тилга оламиз.

Ўшбу муҳташам, киши завқини тортидиган бинони элимизнинг энг ажойиб, моҳир усто, муҳандис-қурувчилари бунёд этган эдилар, халқ ҳам ҳаётларда қатнашарди. Тақдир тақозаси билан бу ерга келиб қолган японлар ҳам қурилишда бевосита қатнашгандилар, буларга биз меҳр-шафқат билан қарардик, улар ҳузурида санъаткорларимиз концертлар берардилар, япон халқининг ушбу фарзандлари театрининг янги биносининг очилишига ҳам тақдиф этилгандилар, — дея хотирларини сўзлаб берди Фотихонжон Қўлиев. Ушбу човлар театрга директорилик қилган, санъат ривожига хайрихоҳ Раҳим Қориевнинг тимсоли ҳам ҳаёлимизда жонланади...

Театрни бунёд этишда қатнашган тошкентлик кекса иморатсоз, муҳандис-қурувчи Фуломхўжа Хўжаев билан ушбу мақола муаллифининг 1980 йилдаги кўйидаги сўхбати ҳам эътиборга моликдир. — Мен қурувчи — бинокорлик касбинини ота-буваларимдан ўрганганман. Улар эса миллий бинокорлик санъатини, пардозлаш маданиятини ва фишт пишириш маҳоратини асрлардан ананавий тусда мерос бўлиб келган усталаридан қабул қилиб олганлар. Мен 1917 йилга қадар Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги «Қулдукбоши» масканинда истиқомат қилиб келган иморатсоз уста Мўминхўжа билан 10-30 йилларда бунёд этилган катта тарихий бинокорлиги қурилишда қатнашганман. Бизларни Тошкентнинг «Пиён-бозори»даги Навоий номидаги театр қурилишига ҳам қақришгани ҳамон ёдимда. Бу қурилиш чинакам халқ қурилиш майдонига айланиб кетган эди, унда турли вилоят ва шаҳарларимиздан усто-қурувчилар ҳам тақдиф этилгандилар, японлар ҳам фаол қатнашганлар, улар интизомли, меҳнаткаш кишилар бўлардилар, биз улар билан ҳамжиҳатликда ушбу театр биносини бунёд этишда қатнашганмиз. Мен миллий фишт терини маданияти, услубидан уларга маслаҳатчи бўлганман.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу улкан ва муҳташам бинонинг, эндиликда ажойиб маданий ёдгорликка айланиб қолган иншоотнинг яратилиши жараёнидаги бир тарихий ҳақиқат ана ўша «қизил империя»вий сиёсат ва мафкура боис, одамлар эътиборини соқит этилиб, ҳатто ушбу бинони зиёрат этгани, томоша қилгани келганлардан яширилиб, парданишин этилиб келинганди. Ахир мазкур гўзал бинони тиклаш давомида япон халқининг тақдир туйфайли бизнинг заминимизга келиб қолган фарзандлари Тошкентда ҳаёт кечирганлар, қурилишда бевосита ва фаол қатнашган эдилар ҳамда ўз иморатсозлик ҳунарларини маҳоратларини намойиш этгандилар. Қолаверса, ўзбек усто-қурувчиларию, фишт пиширувчи ва терувчиларию шоғирд тушиб, асрий нафосат яратишнинг сир-синоатларини янада моҳирлик билан ўзлаштирган эдилар. Биз биламизки, япон халқининг маданий-

тарихий, архитектура санъати ўзининг ўқ илдизи билан оқсоч мўзайга илдиз отган; бу мамлакатнинг саҳна санъати, театр маданияти, рақс санъати ҳам ўта азалий тарихга эга. Бизнинг муайян соғаларимизда, қадимдан силсила тортиб келаётган зикр самоларимизда, ҳамонанглик, ўхшашликлар мавжуд; театр санъатимизда ҳам ана ўша қадимий «Ипак йўллари» маданияти боис азалий ришталар бордир. Шу туйфайли ҳам япон халқининг фарзандлари бизнинг Навоий номидаги театр биносини бунёд этишдаги ўзига хос тарихий хизматларида рамзий аҳамият борлигини яна бир бор қайд этиб ўтгимиз келади...

— Мен 1941-45 йиллардаги урушда қатнашиб, 1946 йилнинг 19 февралда Тошкентга қайтдим, — деб эслади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гани Алиев. — Отам Али ҳофиз Ашуров Ўзбекистон давлат опера театрида артист бўлиб ишлардилар. У киши мени театрининг янги биносини қуриётган «Пиён-бозор» майдонига олиб борганлар. Биз япон қурувчиларининг фишт тарафига қараб маҳлиё бўлдик, ниҳоятда чадастлик билан бу улкан бино деворларини кўтармоқда эдилар. Отам «барака топгур бу япон дегани жуذا меҳнаткаш ва устаси фаранг бўларкан, театримиз биносини кўтаришда қара ўғлим, қандай жон-жаҳд билан ишлашмоқда. Кўплари ўзбекларимиз билан дўст-иноқ бўлиб ҳам олдилар, дердилар...

Дарҳақиқат, япон қурувчиларига одамларимиз инсоний оқибатда бўлардилар. «Лабзак»даги сув бўйида жойлашган катта чойхона бўларди. Уни ҳамма «Убайхўжа ака чойхонаси» деб атади. Ана шу Убайхўжа ака япон қурувчиларини ҳар ҳафта чойхона сўрсига тақдиф этиб, дастурхон ёзарди.

«Қошиқчи» маҳалласида узоқ йиллар фаол бўлиб, котиблик қилган Абураҳмон Нажмиддинов (у ҳам уруш қатнашчиси, ноғира бўлиб қайтган) бир кам учрайдиган ҳолисани ҳикоя қилиб берганди. «Шу маҳаллада тугилиб ўсган Зухриддин Муҳиддинов исми ўт-олов йигит бешта урушда қатнашган. У «Ҳасан қўли», «Халхин-гол» жанглирида ҳам бўлиб, бомбадан «контузия» орттирган. Бунни қарангани, 1946-47 йилларда ана ўша Зухриддин Тошкентдаги опера театрининг янги биносини барпо этгандиларида маҳалла йигитларини жамлаб, қурилиш майдонига ҳашарга олиб чиққан ва бу ердаги япон қурувчилари билан японча гаплашган, уни маҳаллада ҳамма «японхўжа» деб атаб қақришган. У япон қурувчилари ҳузурига бориб, патефон қўйиб, пластинкаларни айлантирган, улар эса миллий қуйларимизга рақса тушганлар. Ана ўша ўзбекнинг ҳиммати, бағри кенглигию одамшавандалигини кўринг, — дея хотирлайди Абураҳмон ҳожи ота.

Маҳаллий аҳоли фарзандлари билан ўта муомаласи, хушсухтан эдилар, улардан бир қанчаси ўзбек тилига мансуб сўзларни тез орада ўзлаштириб олган эдилар, бизнинг миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга ҳам қизиқишлари катта бўлган. Биз ана ўша уруш йилларида ҳамда Навоий номида театр биносини бунёд этилаётган чоғларда, улар билан учрашардик, дўстона ва самимий сўхбатлар қурадик. «Пиён бозор»дан «котлован» кавлаб тупроқларини «Лабзак»даги сой бўйига ташишларида иштирок этардик... Ёдимизда, «Қошиқчи» маҳалласи (кейин-

чалик «Саноат», ҳозир «Қоҳ-ота») фаолларидан Н. Шарафқориев, Ф. Камолиддинова, Қодирхўжа, Йўлдошхўжа, Алиҳофиз, Ориф-сурнайчи, Иброҳим Маҳсум, Саъиддин қорилар ташаббуси билан бу мусофирларга дастурхонлар ёзилиб меҳмон қилинган.

Мана эндиликда Истиқлол туйфайли япон фарзандларининг ўша вақтдаги Тошкентда кечган ҳаёти, Алишер Навоий номида театрининг муҳташам, гўзал биносини бунёд этишдаги уларнинг ҳиссаси хайрли ва машаққатли меҳнати, хизматлари борлиги ҳақида рўй-рост сўзлаш имкониятлари рўёбга қийди. Тарихий ҳақиқат саҳифаларига инсонийлик, оқибатчилик, бир-бирига дўстлик, ҳамжиҳатлик нурулари сочилмоқда.

Ҳа, кунни кеча ортда қолган XX асрнинг 40-йилларида республикамиз пойтахтида ажойиб ва пурвиқор бино қад кўтарди ва у давримизнинг беназир нафосат обидаси сифатида дунёга доврўғ таратди. Уни бунёд этишда кўп миллиятларнинг вакиллари, архитектор, муҳандис, усто-наққошу расомлари сангтарошу уймақорлари, фишт терувчи қурувчилари иштирок этдилар.

Ушбу театрга 1948 йилда буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг муборак номларининг қўйилиши ҳам бежиз эмас. Навоий ўз достонларидан урушларини қоралди, инсонларни дўстликка, ҳамжиҳатликка, бунёдкорликка даъват этди, булар ушбу театр биносини барпо этишда ҳам ўз ифодасини топди. Истиқлол туйфайли муносиб қадрланиб, эъзозланётган бу валий-неъмат зот, улуғ ажлодимиз бизларга бе-назир маданий мерос, туганмас маънавий қадриятларини инъом этиб кетди-ку... Бу ҳақда Алишер Навоий таваллудининг муборак 560 йиллиги муносабати билан сўзлаш фахрлидир.

1959 йилда театрга «Академик», 1966 йилда эса «Катта» театр унвонлари берилди. Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театримиз ўзига хос ажойиб ва шонли йўлни босиб ўтди. Унинг мангалига ҳазрат Навоийнинг муборак номи битилганига ҳам ярим асрдан ошди. Театр саҳнасида намойиш этилган юзлаб ранго ранг мавзулардаги опера ва балет спектакллари республикамиз маданий тараққиёти тарихидаги олтин зарварларга эзилди.

Республикамиз катта академик театрининг саҳнасида янгидан янги опера ҳамда балет спектакллари намойиш этиларкан, уларни минг-минглаб саҳна санъати муҳлислари томоша қилиб, маънавий озуқа олиб, завқ-шафқат тўлмоқдалар. Эндиликда ажойиб, муҳташам обидага айланган Алишер Навоий номидаги ушбу театр биносини қуришда иштирок этган япон қурувчиларининг тинчлик-тотувликка, нафосатта йўналтирилган хизматларини ҳам самимият билан ёдга оламиз. Миллий архитектураимизнинг эндиликда бутун жаҳонга маълум асил дурдонасини бунёд этишдаги японияликларнинг меҳнати, хайрли ишларини халқимиз, республикамиз маданияти намояндалари, миннатдор санъаткорлари сира унутмай, хотираларида сақлаб келадилар.

Ҳозирги — дорилоним Мустақиллик йилларида Навоий номидаги Катта академик театр биносини шаҳримиз ҳуснига янада хусн қўшиб, файзу тароват баҳш этиб, ранг-баранг саҳна асарлари, кўнгилоҷар томошалари билан халқимиз онгига маънавият нуруларини соқиб келмоқда.

Бахриддин НАСРИДИНОВ, маданиятшунос олим, мунаққид.



Саҳоват

ХАЙРИЯ СИФАТИДА

Шаҳримиздаги «Буми Тошкент интернейшнл» меҳмонхонасида Индонезия элчихонаси томонидан ташкил этилган «Индонезия таомлари» фестивалидан тушган маблағнинг асосий қисми республикамиздаги бешта меҳрибонлик ташкилотларига хайрия қилинди.

Яқинда мазкур фестивалдан тушган 300 минг сўм шаҳримизнинг Ҳамза туманида жойлашган «Кўзи оқизлар», Тошкент шаҳар «КРИДИ» — Ноғирон болаларининг соғлигини қайта тиклаш, Шайхонтоҳур тумани «Меҳрибонлик» ижтимоий ўзаро ёрдам жамиятларига, «Наврўз» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимларига топширилди.

— Дили ўқсик кишиларга қанчалик муруват кўрсатсақда оз, — деди элчининг биринчи ўринбосари Банбанг Даранин-дра жаноблари.

— Инъом этилган совгадан бошимиз кўкка етди, — деди Шайхонтоҳур тумани «Меҳрибонлик» ижтимоий ўзаро ёрдам жамияти раиси Мавлуда Бобоева. — Элчихона раҳбариятига жамиятимиз аъзолари номидан катта раҳматлар айтилган ва янги минг йилликда Индонезия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бундан ривожланишини тилаб қоламиз.

Одил ҲАСАНОВ

Муштарий мактайд...

МИННАТДОРМАН

Дунёда шундай касб эгалари борки ҳамиша сергак бўлишлари, адашмасликлари, икки оғиз ширин сўзлари билан дарда дармон бўлишлари лозим.

Тўсатдан 10 ёшлик қизимнинг тоби қочиб қолди. Оғриқ шунчалик қаттиқ бўлдики, кўричак деб ўйлаб Ибн Сино номи 1-шаҳар клиник касалхонасига етиб бордик. Бизни навобатчи шифокор қабул қилди. Унинг тезлик билан қўрсатган тиббий ёрдами, аниқ ташхис қўйилгани сабаб, икки соатлар чамаси вақт ичида қизим тинчланиб, оғриқ батамом қолгандан кейин биз хотиржам уйимизга йўл олдик. Мен ўз касбининг фидойиси, фақат муолажа билан эмас, ширин сўзи билан беморлар дардига малҳам бўлаётган Қаҳрамон Тўлаганова миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Азиза МУҲАМЕДОВА

...танқид қилади

«ТЕЗЮРАРМИ»


ЁКИ «КЎПКУТАР»?

Шаҳримизда оддий автобуслар билан бир қаторда «тезюрар» автобуслари ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатади. Уларнинг оддийларидан фарқи 2-3 бекатда тўхташи, патта нархининг 10 сўм қимматлиги ва асосий йўловчиларни бирмунчи тез манзилларига элтишидир. Лекин барча «тезюрар» автобуслари ҳамшаҳарларимизга кўнгилдагидек хизмат кўрсатяпти деб бўлмайди. Ҳайдовчиларнинг кўрсатилмаган бекатларда тўхташи, баъзи бир бекатларда йўловчиларни кутиб туришлари кўпчиликнинг асабига тегмоқда.

Бундай ҳолларга кўплаб йўналишлардан мисол келтириш мумкин. Ўтган йилнинг 12 декабрида 24-йўналишдаги 10 АС 304 «Мерседес-бенц» маркали автобус «26-поликлиника» ҳамда Чимкент шоҳ кўчаси бошланишидаги бекатларда 3, ҳатто 5 дақиқадан ортиқ тўхтаб одам йигди. Шу билан бирга даярли ҳар бир бекатда тўхтади. Ахир унинг «тезюрарлиги қани? Худди шундай 93-йўналиш бўйича қатновчи 131 АГ автобусида ҳам шу йилнинг 2 январь кунини ана шундай ҳолат бўлди. Йўловчиларнинг эътирозларига эса ҳайдовчилар берарво бўлишди.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, «тезюрар» автобуслари ҳайдовчи ва чипта сотувчиларига ўз вазифалари ва йўловчилар олдидан бурчларини улар меҳнат қилаётган корхона мутасаддилари яна бир бор эслатиб қўйсалар ёмон бўлмасди. Агар улар ҳар бир бекатда 5-10 дақиқадан тўхтаб, одам тўплашса, бунинг устига йўловчиларни фақат олд эшикдан «санаб» туширса, унинг «тезюрарлиги қанию йўловчиларнинг қимматли вақтларини?»

Шукр ОРИПОВ, йўловчи.



Оқшомхон Усмон Усмонов ўзининг турли мавзулардаги суратли лавҳалари билан газетамизда фаол қатнашиб келади. Ушбу суратда у 30 йилдан бери сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сартарош Равшан Баҳодировнинг навбатдаги мижозга хизмат кўрсатаётган вақтини тасвирга туширган. Бу уста мудирлик қилаётган Фаргона йўли кўчасининг «Почта» бекатида жойлашган мўъжазгина сартарошхона ҳамиша мижозлар билан гавжум бўлади.

ЛУҚМА


Оддий пўчоқ

Кўп ҳолларда қайси транспорт бекатига қарамаган — хоҳ автобус, хоҳ троллейбус бекати бўлмасин — ҳамма ёқни семичка пўчоғи (кунгабоқар уруғининг пўчоғи) тугиб кетади.

Уни супуриб-сидириш нақадар машаққатли иш эканини фаррошларимизгагина маълум. Ваҳоланки дунёдаги жамийи маданий мамлакатларнинг шаҳарлари бундайгина номаъмулгарчиликдан таломаила ҳолидир. Масалан, Европадаги қайси пойтахтни олмаган — Софияни, Хельсинки, Прагани, Брюссель, Парижни, Лондон, Рим, Афина, Бухарест, Будапештни — биронтасида ҳам семичка пўчоқ мулақо йўқ; у ҳеч қерда сотилмайди ҳам, ҳеч ким уни чакиб юрмайди ҳам (буни атайлаб кузатганман).

Бизнинг Тошкент ҳам ўша озода шаҳарлар сирасига кирмоғи учун мана шу иллат-инсонда таг-томори билан барҳам бермоқ зарур; кунгабоқар аккан дехон унинг уруғини олиб бориб мой заводига топширсин. Ерэнқоннинг эса фақат магизинигина сотишга рўхсат берилсин.

Шарафиддин КҮНЧИ



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан катта спорт билан бир қаторда аҳолини соғломлаштириш, оммавий спорт мусобақаларини кенг кўлабда ташкил этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган эди. Ушбу қарорни ҳаётга татбиқ этиш, соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш, юртимизнинг боғча болаларидан тортиб нафақахўрларгача бўлган бутун аҳолисининг жисмонан ва ақдан баркамол бўлишига эришиш мақсадида тажрибали мутахассислар томонидан беш ёшдан бошлаб қирқ ва ундан юқори ёшдаги кишилар учун уч босқичдан иборат Алпомиш ва Барчиной махсус тест синовларининг низоми ишлаб чиқилди.

Алпомиш ва Барчинойлар беллашди

Кун кеча мана шу махсус тест синовларининг ҳаётга татбиқ этилишининг гувоҳи бўлдик. Собир Раҳимов курилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежиде Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар тизимидаги касб-хунар коллежлари талабалари иштирокида Алпомиш ва Барчиной тест синовининг шаҳар миқёсидаги финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда саралаш босқичларида муваффақиятли катнашган пойтахтдаги йигирма тўртта ўқув муассасасининг тўрт юзга яқин спорт билан ҳамдам талабалари ўзаро куч си-

нашиш учун майдонга тушибди. Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрناзаров Алпомиш ва Барчиной тест синовларининг финал босқичида юқори натижаларга эришиб, ушбу тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, келгусида халқимизнинг Алпомиш ва Барчинойдек миллий қаҳрамонлари каби фидойи, ватанпарвар инсонлар бўлиб катнашганга умид тилади. Шунини айтиш керакки, барча шарт-шароитлар яратилган коллежнинг кишики спорт зали, тир ва за-

монавий ёпиқ сув хавзаларида тест синовларидан ўтаётган ўсмир ва қизлар катта қизиқиш ва ғалабага бўлган кучли интилиш хислатларини намоян қилган ҳолда беллашганларининг гувоҳи бўлдик. Турниқда тортилиш ёки қўлларни букиб-ёзиш дейсизми, жойдан узунликка сакраш, теннис коптоғини мўлжалга отиш, пневматик милтиқдан ўқ отиш, арқондан сакраш, кроос югуриши дейсизми барча мусобақа турларида ўқувчилар яхши натижаларни кўрсатишди. Ниҳоят жўшқин баҳслар ниҳоятга етиб қадамлар ҳайъати энг кучлиларни аниқлади. Барча еттита

тест синовлари шартларини қўйиллатиб адо этган Авиасозлик касб-хунар коллежи ўсмир ва қизлари хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. С. Раҳимов курилиш ва миллий хунармандчилик коллежи ўқувчилари иккинчи, Мирзо Улуғбек сановат касб-хунар коллежи ўшлари эса учинчи ўринни банд этишди. Жамоалар ўртасида совриндорлар сафидан ўрин олган ушбу коллежлар, шунингдек мусобақаларда шахсий ҳисобда қолиб чиққан энг кучли талабаларга Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Республика Миллий



СУРАТЛАРДА: Алпомиш ва Барчиной тест синовлари мусобақаларидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш миллий спорт маркази, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан таъсис этилган кўрак нишонлари, гувоҳномалар, фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совгалар топширилди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, пойтахт ўрта махсус касб-хунар тизимида жами 121 та ўқув муассасалари мавжуд бўлиб, эндиликда лицейлар, акаде-

мик лицейлар, бизнес мактаблари, техникум ва билим юртлири, касб-хунар мактаблари яна еттига гуруҳга бўлинган ҳолда Алпомиш ва Барчиной тест синовларидан ўтишди. Ва ушбу мусобақаларда шахримиздаги ўрта махсус касб-хунар тизимида таълим олаётган ўттиз мингдан зиёд талабалар катнашиб, ўз соғлиқларини мустаҳкамлашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Фахрий матбаачи



Тошкентнинг Жангтоҳ мавзесида ва Хадра майдонида истиқомат қилувчилар ўрта бўй, сочлари оқ бу инсонга кунда бўлмаса ҳам, кун ора дуч келишса керак. У ҳаммиса ўйчан, оҳиста қадам ташлайди. Таниш-билишлар, кўни-кўшилар у билан куюк кўришади. Бу киши умрининг ярим асридан кўпни матбаачиликка бахшида этган. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги 3-босмахонага (ҳозирги Тошкент китоб-журнал фабрикаси) 26 йил мобайнида раҳбарлик қилган Тухфатилла Обидовдир.

Тошкентдаги 2-матбаачилар билим юртини аъло баҳолар билан битириб, матбаачилик касбини эгаллаган Тухфатилла Обидовни Эскижўва майдонидаги Биринчи Тошкент босмахонасига ишга йўллашди. Бу ерда ёш йигитча бутун куч-ғайратини сафарбар этиб, сидқиқидан меҳнат қилди. Билмаганларини сўраб-суриштиришдан тортинамди, тажрибали матбаачиларнинг маслаҳатларига амал қилди. Шу сабабли қисқа вақтда меҳнатга муносабати, ҳуқуқодоби билан жамоа аъзоларининг хурмати-га сазовор бўлди.

Бундан роппа-роса ярим аср илгари ёш мутахассисни дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳафта уста вазифасига, орадан кўп ўтмай, цехга бошлиқ этиб тайинлашди. Маскур маъсулияти лавозимда иш бошлаганида Тухфатилла ака 19 яшар йигит эди. Уруш сабабли ўқини давом эттира олмаган Тухфатилла Обидов шу йилларда кечки ишчи-ёшлар мактабиде ўқиб, ўрта маълумотли бўлди. Сўнгра Тошкентда очилган икки йиллик касба уюшмалари ходимларининг мактабига ўқишга юборилди. Уни тугатиб, яна босмахонага ишга қайтиб, китобларни муқовалаш цехида бошлиқ бўлиб ишлаш бошлади. Сўнг Тошкент рангли офсет босма фабрикасида цех устаси, муқовалаш цехининг бошлиғи бўлиб ишлади. Сирдан Москва иқтисодиёт институтини битириб, олий маълумотли мутахассис бўлди.

1965 йилнинг сентябрий ойида Тухфатилла Обидов 7-босмахона директори этиб тайинланди. Юнусобод даҳасидаги Тошкент китоб-журнал фабрикасининг тарихи ана шу босмахонадан бошланган, десак хато бўлмайдди. Сабаби шу йили шахримиздаги 4,6,7, ва 8-босмахоналар бирлаштирилиб, «3-босмахона» деб атала бошланган. 400 га яқин ишчи-ҳизматчи меҳнат қилган корхона ўзбек ва рус тилларидан ташқари хориз тилларида, жумладан, инглиз, француз, немис, испан, араб, форс, урду ва пушту тилларида китоб маъсулотларини, бошқа босма нашрларни чоп этар эди. Республика нашриётларининг хоризий тиллардаги бюротмалари шу ерда тез ва сифатли бажариларди. Корхона аҳл жамоасининг фидокорона меҳнати, ҳарф териш ва чоп этиш жараёнлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли ҳар йилги режа барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этиларди.

Лекин корхонанинг ишлаб чиқариш бўлиммалари тарқоқ ҳолда эканлиги, улардан икитаси Юнусобод туманида, икитаси Миробод туманида жойлашганлиги

бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқарар эди. Шу боис замонавий йирик босмахона курилиши зарураги туғилди. 1977 йилнинг баҳориде Юнусобод даҳасида ана шундай босмахонанинг 4 қаватли янги биноси пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Бунёдкорлик ишларини 12-қурилиш трести қурувчилари олиб боришди. Ишлаб чиқариш бинолари билан бир қаторда 40 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилиши ҳам жадал сурьатлар билан олиб борилди.

Ниҳоят янги, замонавий босмахонанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда босмахонанинг биринчи директори Тухфатилла Обидовга босмахонанинг рамзий қалити топширилди.

Бир неча орден ва медалларнинг соҳибини, хизмат кўрсатган маданият ходими, маориф ва матбуот аълоқиси, ёшларнинг мурабийиси Т.Обидов шу корхонага қариб 26 йил раҳбарлик қилди. Унинг бошчилигида босмахона шахримизнинг чет тиллардаги адабиётларни чоп этувчи йирик матбаа корхоналаридан бирига айланди. Эндиликда пойтахтнинг Тошкент китоб-журнал фабрикасининг маъсулотлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак.

Тухфатилла ака умр йўлдоши Ҳафизахон ая билан икки ўғли ва бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандлари олий маълумотли. Катта ўғли Шухратилла Обидов автомобиль-йўллар институтини битирган, оилали, икки ўғли бор. Кичик ўғли Ҳикматилла Обидов Шарқшунослик институтини битирган, оилали, бир ўғли бор. Қизи Лола фармацевтика институтини битириб, ҳозир дорихонада ишлаяпти, икки фарзанднинг онаси.

Тухфатилла ака фарзандлари, неваралари даврасида кексалик гаштини сурса ҳам бўлаверарди. Аммо у бекор ўтиришни ёқтирмайди. Ҳамкасблари, шогирдлари билан тез-тез учрашиб туради. Узининг бой тажрибаларини ўртоқлашди, маслаҳатларини аямайди. У «Нуроний» жамгармаси Шайхонтоҳур туман бўлими ҳайъатининг аъзосидир.

Ҳақинда Тошкент китоб-журнал фабрикасининг жамоаси босмахонанинг биринчи директори Тухфатилла Обидовни корхонага таклиф этиб, уни таваллуд қилиш билан савимий муборакбод этиди, қимматбаҳо совғалар топширди.

Биз ҳам фахрий матбаачи Тухфатилла Обидовни муборак ёши билан муборакбод этамиз, унга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, ҳаммиса хурмат-эъзозда бўлишини тилаймиз. Абдулгани АБДУЛЛАЕВ

НАЗМ

Асра, Аллоҳим
Аллоҳим, буюксан ўзинг бебаҳо,
Мангу синаман ўзинга танҳо,
Дилимни ўзиндан айирма асло,
Сўрагим, дунёни асра, Аллоҳим.

Инсонларга бердинг ақл ҳам идрок,
Қалбини сақлагин тоза ва пок,
Кўнглида ниёти бўлсин дебон оқ –
Бандангни сақлагин ўзинг, Аллоҳим!

Аёлни яратдинг – нозик бир хилқат,
Дилига беролдинг тоғдай садоқат,
Ярамас йўлларга юрмасин фақат,
Аёлни асрагин, ўзинг, Аллоҳим.

Жамият наздида гўё бир кўрғон,
Бидъат, иллатларни тўсгучи тўғон,
Шаробдан, гийҳдан ўзинг тут ўғлон,
Эркақлар зотини асрагин, Аллоҳ.

Йўқ ердан бор қилдинг буюк кашфиёт,
Бердинг бандаларга шод этиб зурриёт,
Оналар ўлимдан чекмасин фарёд,
Бегуноҳ гўдақни асрагин, Аллоҳ.

Бу дунё жаннати Ўзбекистондир,
Оламга машхур бир боғу бўстондир,
Халқим меҳнатидан ул гулистондир,
Ўзбекининг юртини асрагин, Аллоҳ.

Бошима гултож эрур
Қалбдаги сенга муҳаббатдан кўзимда ёш эрур,
Бу муҳаббатни авайлаб-асрамоқ бардош эрур.

Кечалар ойга боқиб, ой жамолинг изладим,
Ой юзинг кўринмағай, мунча бағритош эрур.

Бу юракка ўт ёқиб, кўнглини мафтун айлаган,
Кимлигин айтар эсам, ул ёр қаламқош эрур.

Чўққиларда эригай музлар оҳимдан менинг,
Бу қадар ўгли ҳароратдин хаттоки тош эрур.

Қалбимни тўлдирдинг алам, нолага
Ўз юртига қурол кўтарган
нобақорларга

Нахот, ўз юртингдан безгансан, болам,
Бегона юртларда кезгансан, болам,
Юзимга қора ранг суртансан, болам,
Оқ сугимга рози эмасман, болам.

Не азобда сени тўққан эдим ман.
Оқ юяиб, оқ тараб боққан эдим ман.
Бунчалар куймасдим ўлиб кетсанг ҳам
Бошимни ҳам қилган, нобақор, болам.

Карнай-сурнайларни қилардим орзу,
Ниятларим энди ушалмас мангу.
Ор қилгум сен учун чекмоққа ёху,
Ота-онасини хор қилган, болам.

Юртдан кетганингга чидадим, майли,
Мендан кечганингга чидадим, майли
Ватанга ўқ отсанг чидаман энди,
Манкурт бўлиб қолган, бенаво, болам.

Тенгдош ўртоқларинг сендан ҳазардир,
Махалла, эл-юрт ҳам биздан безордир,
Охир, тамом, Ватан сендан ҳазардир,
Қабр тупроғига зор бўлган, болам.

Юртинг жароҳати бир кун битади,
Жароҳат кўрганлар қарғаб ўтади,
Жасадинг қай ерда қолиб кетади,
Ватандан мосуво, бедаво, болам.

Минг лаянат, сендайин ноқур болага!
Қалбимни тўлдирган алам, нолага,
Розилик айтолмай ота-онага
Икки дунё сарсон, аросат, болам...

Гоҳи дунё тор эрур, севгилимнинг ҳажридин,
Бўйиниما сиртмоқ бўлиб тушган балки соч эрур.

Майли, дилдаги муҳаббат қиймалаб эзсин мени,
Ул муҳаббатга садоқат бошимга гултож эрур.

Эй Муаттар, ўз дилингни не учун шезър
айладинг,
Ушбу ашъоринг халойиққа сирингни фош этур.

Муаттар ҲАМРАЕВА,
Тошкент педагогика билим юрти
ўқитувчиси.

БИЛАСИЗМИ?

Алломаннинг эътирофи

Ўрта аср шарқининг буюк алломаси **Абу Али ибн Сино «Момақалдиқок сабабларининг баёни ҳақида рисола» деган ноёб асарни ҳам яратган. Олти қисмдан иборат бу рисолининг биринчи қисмида момақалдиқокнинг етти сабаби баён қилинади.**

Хар қандай каттик жисмдан ҳам товуш чиқармайди, деб ёзади Ибн Сино. Масалан, лой ва кўрғошнинг бунга мисол бўлиб, каттик жисм бўлмаган ҳаво, сув ва қорғошдан товуш чиқади.

Чакмоқ, момақалдиқок гулдирмасдан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг учун икки булул бир-бирига урилиши ва ишқаланиши, сирғалиб ҳаракат қилиши натижасида олов чиқиси, шу билан бирга, товуш эшитилмаслиги шарт, деб уқтиради олим.

Олим кўрсатадики, аслида чакмоқ ва момақалдиқок биргаликда ҳосил бўлади. Лекин биз чакмоқни олдин кўриб, кейин момақалдиқокни эшитамиз. Бу узоқдаги кишининг ўтин ёришидан чиққан товушни эшитишимизга ўхшайди. Маълумки, товуш ўтинга болта урилган заҳоти ҳосил бўлади. Биз эса олдин боланинг урилишини

кўриб, кейин товушни эшитамиз.

Ибн Сино чакмоқ билан момақалдиқок, ўша даврдаги кўпчилик олимлар ўйлаганидек, алоҳида-алоҳида ҳодиса эмас, балки битта ҳодиса эканлигини, товушнинг тезлиги ёруғлик тезлигидан кам бўлганлиги учун кейинроқ этиб келишини тўғри изохлайди.

Шамолли олов ёки оловли шамол бўлганида биз яшин урди, деймиз. Яшин ургани кўринмайди, аммо қилган иши кўрилади. Унинг бўлишини аниқ кўриш учун қатъий вақт ва чидамли кўрувчилар бўлиши шарт, деб ёзади олим.

Шарқ дурдоналари



БЕХУДА КҮРҚУВ

«Тошкент оқшоми» газетасида тиббий, кўпроқ одоб-ахлоққа оид форсча ва арабча китоблардан қилган насрий ва назмий таржималарим мунтазаб босилиб турарди. Катта ишга қўл уриб қўйганим учун «Оқшомга материал беролмай қолдим. Қўнлардан бир кун заҳматқош журналист, «Тошкент оқшоми»да «Шанба оқшомини тайёрлаб берувчи Тўлқин ака Расулев телефон қилиб, материалдан ёрдам бериб юборишни каттик илтимос қилди.

«Ал-Мукаттафоти арабийя» номили арабча ҳикматлар китобини таржима қилишга киришдим.

Маърифат тан бўлса, ҳавоси ҳикмат, Норасо қалбларнинг шифоси ҳикмат. Камолга етмоқни кўзласа хар ким, Қуввати, мадади, давоси ҳикмат.

Аммо, асардаги ҳикматлар гоат қисқа эди. Одоб-ахлоққа оид китобларда битта ҳикмат келса, битта шезър берилар, ўқувчилар кўзи шунга ўрганиб қолганди. Мен нима қилишимни билмай, арабча ҳикматлар орасига ўзим ижод қилган тўртликларни жойлаштира бошладим.

Тўртликда ёқимли бир андоза бор, Маънони қамраган бир шероза бор. Тўртликда яқинлик жуда ҳам яқин, Улфат чор бўлдимни, анда маза бор.

Шарқшунос олим, қўзил империя қўвчиларини бошидан ке-чирган қария Шорасул Зунун менга Мухиббий деб тахаллус қўйган эди. Хар бир тўртликдан олдин «Мухиббий айтади» деган жумлани қўйдим. Ҳикмату тўртликлар хар шанба кўни босила бошлади. Таниш-билишларим «Мухиббий қайси асрда яшаган?» деб савол беришар, мен эса: «Қадимда яшаган» деб кўярдим. Менинг Мухиббий эканлигини Тўлқин ака ҳам билмас эди.

Бир кун Тўлқин ака олдимга бир неча хатларни қўйди. «Мана бу мактубларга газета орқали жавоб беришимиз керак деди у. – Мактубларда Мухиббий ким эканлиги сўралган. Бир-икки қорғоз жавоб ёзиб келинг.

Мен жавоб ёзишни орқага сурар, сирим очилиб қолишдан қўрқар эдим. Тўлқин акада эса хатлар тобора қўпайиб борарди. Бир кун олдимга беш-олтита хатни қўйиб: «Бош муҳарриримиз талаб қилляпти, хатларга жавоб бериш керак, бир-икки қорғоз ёзиб бериш сизга қўйин эмаску, – деб қолди.

Мен сирини очишга мажбур бўлдим. Бирор иш бўлса, Тўлқин ака ёрдам берад, деб умид қўлдим.

– Тўлқин ака, бир айб иш қилиб қўйдим, бошида сиз билан маслаҳатлашимиз керак эди, сиз сўраётган Мухиббий аслида мен бўламан.

Тўлқин ака бирпас қотиб қолди. Сўнг қулиб юборди, кейин эса:

– Жуда яхши, тўртликларингиз қадимгиларниқидан қолишмайди. Битта расм билан ўзингиз ҳақида маълумот тайёрланг, газетанда бериб юборамиз, – деди.

Мен қўлоқларимга ишонмас эдим. Демак, бу ерда ҳеч қандай жиноят йўқ экан-да!

– Юринг, бош муҳаррирдан ҳам рўхсат олайлик, – деди Тўлқин ака.

Бош муҳаррирининг олдиға кирдик. Мен ҳамон кўрқувда эдим. Тўлқин ака бош муҳаррир Саъдулла Кароматовга: «Газетхонларимиз Мухиббий ҳақида маълумот сўрашаётган эдилар, – деб гап бошлаган эди, бош муҳаррир: – Хабарим бор, бир-икки қорғоз маълумот бериб юборинглар, – деди.

Тўлқин ака: «Кизими шўки, Мухиббий бу Махмуджон Ҳасановнинг ўзи экан!» деди.

Бош муҳаррир: «Ий-э, ростданими?» – деб бироз ҳайрон бўлиб турди. Сўнг: «Майли, Махмуджон ҳақидаги маълумот билан бирга расмини ҳам беринг, – деди.

Шундай қилиб «Оқшом»да «Мухиббий билан танишинг» деган мақола босилиб чиқди.

Ёзганим «оз-озлаб, ёзганим ёзган, Қаламимни созлаб, ёзганим ёзган. Нима ёзмай, қанча ёзмай барбир, Халқимни эъзозлаб, ёзганим ёзган.

ДАЛДА

Институтимизда бир олим бор эди. У каттаю кичикка яхши маслаҳатлар берад, баъзан ўз жонигади нуқсонни тўфайли раш ва ҳасад тўрига илиниб ҳам қоларди. Унинг «қора дафтари» бор, деб қўйишарди.

Нодон бойлик топса мастлик қилади, Саховат ўрнига пастлик қилади. Химматли одамнинг ҳимматига боқ, Барчага баравар дўстлик қилади.

Ун икки бармоқ касали хуруж қилиб қолиб, касалхонага тушиб қолдим. Чикаётганимда: «Оғир нарсда кўтарманг» дейишди. Тасодифан шаҳар кўчаларидан бирида кетаётган, ўша олимнинг ўғилларини кўриб қолдим, оғир бир юкни машинага ортомқочи бўлишар, лекин жойидан жилдиришолмас эдилар. Касалим сабабли, ёрдам бермай, ўтиб кетдим. «Улар мени тушунмай, дадаларига бориб айтсалар, таъбибим тиррик қилади» деб ўйладим ичимда.

Шундай йўғладимки, қон оқди кўздан, Ҳаттоки кетибман охири ўздан. Ўқ ебди, бир ери синибди, дема, Ҳаммаси ноқўё айтилган сўздан.

Эртаси хайит эди. Институтда олимни учратдим ва хайит билан табриқладим. У жавоб бериш ўрнига: «Менга қаранг, – деди ўдағайлаб. – Сиз «Оқшом»да материаллар эълон қиласиз, кўплари ноқис бўлади. Рубоийлар ёзасиз, маъносини бўлмайдди. Ёзганингиз Ҳайём каби ёзинг, ёзолмасангиз ёзманг! Сизнинг ноқис жумлаларингизни бир дафтарга йиғиб қўйганман, ишонмасангиз кўрсатаман!

Мен «Хўп, хўп домла» дедимда, кетавердим. Ичимда, ҳеч ким шу кўнғача Ҳайёмдек ёза олганимни наҳотки бу киши билмаса, демак, ўғиллари кечаги воқеани айтишибди-да, деб қўйдим. Шундан сўнг ростдан ҳам ёзмай қўйдим.

Баъзан юрганимни қоплайди хайрат, Бунга тушунай, деб қиламан гаират. Неҳин ширин ёқмай баъзи инсонга, Аччиқ нарсаларга қилади рағбат?

Орадан бир-икки ой ўтгач, «Табобат ҳазинаси дурдоналаридан» номили китобим босилиб чиқди. Бу китоб охирида 50-60 та ўзининг тўртликларини ҳам берган эдим. Китобдан ҳаммага совға қилдим. Эркин Воҳидовнинг биз билан бирга ишлаётган ўғли Хуршид ҳам бундан бенаиб қолмади. Бир ҳафта ўтгач, Хуршид олдимга келди.

– Дадам касалхонада эдилар, китобингизни уларга олиб бериб берган эдим, – деди у. – Кеча борганимда китобингиз ҳақида сўрадим. Дадам: «Индига табобатдан қилинган таржималарга сўз йўқ, бироқ ҳаммасидан мени лол қолдиргани унинг рубоийлари бўлди» деди.

Асар халқ ичига таралса асар, Муқаррам бойлик деб қаралса асар. Асрлар ўтса ҳам башар дилидан, Ҳол оғиб, йўқолмай туролса асар.

Буни эшитиб, хурсандликдан юрагим гўғиллаб уриб кетди. Эркин Воҳидов билан биз ҳеч қачон учрашмаган эдик. Юзма-юз таниш бўлмаган одам ҳақида даврининг буюк шоирининг шундай баҳо бериши унинг холис ниқоли, беғараз инсон эканига далил эди. Шоирнинг сўзи менга дағда бўлди ва ана қўлимга қалам олдим.

Ҳайёмдек қўлда жом деб ўйлама, Бедилдек сўз мулки ром деб ўйлама. Қўлимдан не келса, ўшани ёздим, Пухта бўлмаса-да, хом деб ўйлама.

Махмуд ҲАСАНИЙ

Келажак севинчлари ва ташвишлари



Ёзувчилар — гоё фидокорларидурлар. Улар сўзлардан гўзал манзаралар ясайдилар. Ана шундай фидокор ва захматкаш, таникли ёзувчиларимиздан бири — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик «Оқшом» тахририятининг бугунги мяхмонидир.

— Тоҳир ака, аввало сизни барча мухлисларингиз қатори юксак мухофот — «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган фахрий унвонга сазовор бўлганингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Келгусида ижодингизга янада парвозлар тилаб, «Шайтанат» сингари қизиқарли, халқимиз севиб ўқийдиган асарларингизни кутиб қоламиз.

— Раҳмат. Китобхонлар ишончли оқлашга ҳаракат қиламан. — Тоҳир ака, илгари китобхонлар жуда кўп қизиқарли асарларни қўқибди, қўлма-қўл қилиб ўқидилар. Нега ҳозирги кунда шундай асарлар кам? Бунинг боиси нима?

— Бу саволингизга ҳар бир ёзувчи ўзича жавоб қайтариши мумкин. Нима учун ёзмай қўйгани ёки ёзолмаётганини ҳар бир одамнинг ўзинга билади. Ёзиш — руҳий жараён ҳисобланади. Ҳеч бир адиб «Шу воқеани баён қилиб беришим керак», деб қўлга қалам олиши билан ёзиб кетавермайди. Ички бир куч, бошқача айтсак — руҳий тўқин уйғонмас экан, сўзлар қозога тушмайди. Бу жараён эса ҳар бир ижодкорда турлича кечади. Сиз айтган қизиқарли асарлар ҳам ҳар илми ўнлаб яратилмаётган бўлади. Бу ҳам илҳом асарлар қувватга бонглик нарсалар. Фикримни ойдирроқ тушунириш учун сизга савол билан жавоб қилай: «Нима учун кейинги беш юз йил мобайнида «Хамса» каби йirik дурдона асар яратилмади? Ахир бу давр ичнда минглаб шoirлар ўтишди-ку!» Уларнинг орасида даҳо шoirлар ҳам бор эди-ку!

Тўғри, саволингиздаги гинада жон бор. Адабий жараёнмиз бироз сустлашди. Ёзувчиларнинг халқдан қарзи ошиб борапти. Бунинг сабабини фақат иқтисодий соҳадан кидирмаслик керак. Кейинги ўн йил бутун мамлакат бўйича, ҳусусан иқтисодий-сиёсий соҳаларда ўтиш жараёни бўлди. Бир жамиятга буткул барҳам бериб янги жамият қурилишига ўтказилди. Бу осон иш эмас, шу сабабли тарихий аҳамиятга эга жараён деб баҳо беришимиз керак. Маънавий-руҳий илҳом ҳам иқтисодий-сиёсий илҳомдан ортда қолмайди. Демак, бу соҳанинг илгорларидан бўлиши адабиёт жаҳаси ҳам ўзига ҳос илҳом жараёнини бошидан кечирапти. Кеча фақат партия қарорлари асосида асар ёзувчи одам бугун дарров янгича адабиёт ярато олмайдди. Булар фурсат керак. Лекин фурсат кутиб турмайди. Айтиш лозимки, ёзувчилар ҳам кутиб туришгани йўқ. Бугунги кунга хизмат қилувчи янги, яхши асарлар ёзилапти. Муродном Мансуровнинг «Жудодлик диёри» деб номланган асари сиз айтгандай «қўлма-қўл» бўлиб ўқилапти. Китоб нашрдан чиққач, аз фурсатда сотилиб, таомом бўлганининг ўзи фикримиз далили. Асад Дилмуроднинг тарихий романи, Омон Мухторнинг туркум романи, Шойим Бутаевнинг асарлари қизиқиш билан ўқилапти. Афсус шунки, 80-йилларда иқтисодий ёзувчилар сифатида ардоқланган дўстларимиз жимиб қолишди. Мен бу суҳбатимнинг вақтинчалик жараёни деб умид қиламан.

— «Шайтанат» романингизни кўпчилик ўқиган. Сизнингча бу китобдан олинмайдиган ибратли томонлар қанақа?

— Кўп учрашувларда сизга ўқиб савол беришди. Масалан, «Асадбекдан ибрат олиш мумкинми?» деб савол беришди. Саволингизга тўлароқ жавоб бериш учун «Ибрат» сўзи аниқлашдан маънога диққат қилайлик. «Ибрат» деганда фақат яхшидан бир нима ўрганиш тушунилмайдди. Ёмон одам-

ни қўриб ёмон бўлмаслиқни ўрганиш ҳам ибрат саналади. Асаринг номи «Шайтанат» — яъни шайтонлар олами. Шайтонлар — яъни зулм ва бузуқлик олами. Бизнинг асосий ниётимиз шу оламнинг ифлос башарасини аслича кўрсатишга уриниш. Ёзилар бу оламнинг барча ярамасликларини кўрсинлар ва унга қўйлашмасинлар, шайтонлар оламиндан нарига қочсинлар. Мен кўп таъкидлаганман, яна айтман, бу асар одамларни огоҳликка чақиришни мақсад қилиб қўйган. «Одамлар, огоҳ бўлинг, сиз билан биз яшаётган бу дунёда кўзга кўринмас хавфли олам ҳам бор. Болаларингизни эҳтиёт қилинг, бу оламга тушиб қолишмасин. Шайтонлар оламининг битта эшиги бор. Ёш одам унга ўз оёғи билан қиради, аммо ундан тирик қайтиб чиқмайди...» Асадбек масаласига келсак, одам ўлдирган ёки ўлдиршига ҳукм қиларвадиган кимса қандай қилиб яхши инсон бўлиши мумкин? Асарда унинг бошига жафолар тушаётгани учун ўқувчи ёки томошабин унга ачинаётган бўлиши мумкин. Ана шу ачиниш ҳисси гўё яхши кўриш ҳисси бўлиб тушулаётгандир.

— Романинг тўртинчи китобини ҳам яқунлабсиз. Унда қандай воқеалар содир бўлади?

— Жуда кўпчилик китобхонларнинг талабларига биноан китобнинг тўртинчи қисмини ёзиб китоб ҳолида мухлислар эътиборига ҳавола қилмоқчиман. Тўртинчи китобда Асадбекнинг қисмати янада очилиши керак. Уртоғи Жалил унга «Жудодан қайтибди» дейди. Ҳа, бирова зулм қилган одам бу дунёда жазосиз қолмайди. Тўртинчи китоб асосан ана шу ҳақда.

— Келажакда яна қандай янги асарлар ёзиш ниётидасиз?

— «Шайтанат»ни яқунладим, энди икки тарихий асарни жамлаб, бир китоб қилмоқчиман. Қиссанинг бири ёшлик йилларим ёзилган «Фалак». Энди билсам, таърибасизлигим, илмсизлигим тўғрисида ахир оқибатга йўл қўйган эканман. Насиб этса бу қисса қайта ёзилади. Иккинчиси шунинг мантикий давоми бўлади. Ҳусайн Бойқаро саройининг фитналарида ҳижоа қилади. Бу қисса асосан ёзиб бўлинган, айрим тўзатишлар, таҳрирлар билан нихоясига етказилади.

— Янги ўй-рўзгаларингиз. Янги асарингиз қандай бўлишини орзу қиласиз?

— Янги асардан нималар кўтишимизни биргина широр билан ифода этиш мумкин. «Ўзбекистон — келажакти буюқ давлат». Бу шунчаки куруқ гап эмас. Буюқлик учун Ватанимизда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий асослар бор. Лекин куруқ широр билан буюқлик яратилмайди. Яқунланган йилларимиз аср биз учун яхшиликнинг галабаси билан яқунланди. Лекин табиийки келажак севинчлари ҳам, ташвишлари ҳам олиндида турибди.

— Оқшомхонларга тилақларингиз... — «Тошкент оқшоми» — тошкентликларнинг ҳамиша севили газетаси бўлиб келган. Янги асрда газетамизнинг юқори парвозларини тилаймиз. Бу сатрларни ўқитганларни ҳам, буларни ёзаётган каминани ҳам тахририят ходимлари эрқалашиб оқшомхонлар дейишди. Тилагим: оқшомхонларнинг ҳар бири тонги порлоқ бўлсин. Оқшомхонларнинг хонадонлари кут-баракати бўлиб, балолардан ўзи асрасин.

— Мазмули субатингиз учун ташаккур.

Сўхбатдош Дилором ИКРОМОВА Суратни Нўмонжон Мухаммадҷонов олган.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари Асадбеклар фожияси ҳақида, балки у яратган шайтанат олами одамларнинг аччиқ кечмиши, ҳар биттасининг охири вой бўлгучи тақдирлари ҳақида ўзига хос бетақрор қиссалар ҳамдир. Асардаги Чувриннинг тақдир, бошига тушган аччиқ қисмат Асадбекликдан қамми? Ёки Ёлмас Анаварнинг фожияси-чи, бошига тушган қўриқликлар-чи? Кимни, қайси юракни титратмайди? Қолаверса Асадбекнинг кизи Зайнабнинг бошига тушган жафо тоғи, айри балолар-чи? У қўрган зулм, ёвузликлар қиз боланики муҳаббат кўчасидан чиқариб қасос кўчасига бошласа, қайси жамият, тузумни айбаш керак?

Шу кезининг фожияси тўғрисида Асадбек не қўйларга тушиб, не ўтларда қовурилади. Шу баҳонада ёзувчи шайтанат оламининг аччиқ чаркин гушаларига кириб бориб уларни тасвирлашга муваффақ бўлади. Бу салтанатда бир тўда бошқа тўдани яқинлаштириб, номуслим бўлмоқчи ва бир умр эзилиб ўтишини истаيدди. Зайнабнинг не кўчаларга етказилади. Игна ила сархуш эттириб, гайбандлар қавмига қўшади ва сархушлик ҳолатида суратга олинган каскетани отасига «тақдим» этади. Ҳа, қайтар дунё! Асадбек ўз қилмишларининг жазоси, қайтимини шу дунёдаёқ топади.

Китобхонлар «Шайтанат» романининг 3 та китобини ҳам алоҳида интиқлик билан кутиб, ўқиганларига шубҳа қилмаймиз. Таъкидлаб ўтилганидек, Тоҳир Малик «Шайтанат»нинг тўртинчи китобини ёзишни нихоясига етказди ва бугундан бошлаб шу асардан болларни «Оқшом» муштарийлари диққатига ҳавола этамиз.

Лаҳтак булутлар китмирилик тўғрисида янги рабур тарата олмаётган қўёш шом қиришини кутмаёқ бота қолгандай бўлди. Тонгда эса бегубор осмон уми-дулда қайта бош кўтардию яна булутлар шумлигига учради. Олмонга қўёшининг тайин-сизилигига, фойсиз тонгларига Манзуранинг чидаши оғир кечди. Зотан, унинг қалби шу қўёш каби оғир ҳолатда эди. Гарчи ўғилларнинг тўйидан кўнгли равшанлашган бўлса-да, хавотир булутларининг чақинидан бағри қуйиб турарди.

Эри Асадбекнинг, кизи Зайнабнинг аячли аҳолидан беҳабар бўлса-да, ўзига ҳам номзълум бир тўйғу кўнглини гашлик булут билан чирмаб турарди. Асадбекнинг телефонда тўғ оҳангда гаплашиши уни ажаблантирмас, бу ҳолатга йиллар буйи қўйиб кетган эди. Уни эзаётган нарсаси бошқа — эри ҳар сафар «уйга қайтишга шошилма», деб гапни қисқа қилади. Қудалари эса «Қачон қайтасизлар?» деб очик айтишмасан ҳам кўз қарашларидан шу маъно сезилиб турарди. Ўғиллари нигоҳида ҳам шу савол эҳур эди. Маъсума аёл саволга жавоб қайтаришга қодир бўлсамиз эди бу ерда бир он ҳам қолмасди.

Қанотлари қайрилган эмас, қирқиб олинган қўш ҳолатидаги Манзура тунда қўёш балқилиши кутган нота-вон каби эридан ҳар дақиқада бир мўжда кутарди. Манзура қамоқдаги махбус ҳолатида эди, дейилса қўшқорқай айтилган бўлади. Чўнки махбус озодликка қачон чиқишини билади, шу кунни, соати, орақиб кутди. Куттиш ҳам у учун бир саводат. Ҳар тунда ёшқика бош қўйиб ҳар тонгда кўз очилишини ўзиб бир бахт. Манзура эса яна қанча тунд тонгларни мусофирликда қаршилашини билмайдди.

Узини қафас темирларига ураревич қанотларини мажруҳ этган қўш аҳолидаги Манзуранинг қарди қудаларига аён эди. Шу боис қўнгли хиралғик тарқаб, дилга бир ёруғлик муралармикан, деган мақсадда Швейцарияга сафар қилишни тақлим эттиди. Мехмоннинг

Тоҳир МАЛИК, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ШАЙТАНАТ



(Тўртинчи китоб)

«Боланинг кўнгли далада» деганлари балки шудир. Ҳозир қўйибдан бир овоз келиб «жаннат ашиқлари сенга очилди, кирасанми ё уйингга борасанми?» дейилса у ҳеч иккиланмай уйга қайтмоқчи иктивб этарди. Зотан, аҳли оилага муҳаббат ҳам иймоннинг гўзал бир қўрғинишдир.

Икки ўғли, икки келини, Гулузор бегим ҳамроҳлигида мақталган ерларга борган Манзуранинг зимистон қўнглига равшанлик муралай олмади. У фарзандларни кичиклигида Нанайга бир неча марта чиққан, сув омбори қурилиб қишлоқ бўзилгач, анчагача кўнгли вайрон бўлиб

(Давоми бор).

МАТБАА Шарқшунослик

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ўн бир йилдан бери мунтазам равишда ўзининг йиллик «Шарқшунослик» илмий мажмуасини чоп этади. Мазкур тўпланнинг навбатдаги ўнинчи сони ҳам босмадан чиқди.

Тўплан институт директори, академик М.М.Хайруллаевнинг «Исом илмлари ва машур алломалар» номи мақоласи билан очилади. Маълумки, илмий илмларнинг ривожига бизга ватандош бўлган алломаларнинг хизмати бекиёс бўлган. Заҳриридин Мухаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида жаҳоннинг бошқа ҳеч бир ўлкасидан Мовароуннаҳрдан чиққанчалик улуг улломалар пайдо бўлмаганини таъкидлаб ўтган эди. Мақолада юбилейлари муносабати билан Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) ва Бурхонуддин ал-Марғиноний (1117-1197) ҳаёти ва ижодларига кенгроқ ўрин ажратилган.

Амир Хисрав Деҳлавийни биз асосан атоқли шоир, Низомий ва Навоийлар қаторида турувчи буюқ хамсаласи сифатида биламиз. Гулузор Тўғриваннинг «Амир Хисрав Деҳлавийнинг тарихий асарлари» мақоласида у ўзлари воқеа-ҳодисаларининг реал манзарасини ақс эттирган тарихий-бадиий дostonлар ҳам яратгани, ўрта асрлардаги Ҳиндистон тарихини ўрганиш учун мақур асарлар қимматли манба бўла оlishи илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Маълум сабабларга қўра, қўнгина ноёб асарлар, шу пайтгача кам ўрганилган эди. Истиқбол давридагина маънавий меросимизнинг салмоқли қисми бўлган диний-тасаввуфий асарларни таъқиқ қилиш учун кенг имкониятлар туғилди. Мавжуа Раззоқовнинг «Тафсири Чархий» асарининг туркий таржимаси мақоласида Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси (шогирд) Мавлоно Яқуб Чархий (вафот этган йили 1447)нинг Қўрғони Қарини тафсир қилиб, форс тилида битирган «Тафсири Чархий» асарининг ягона нусхада сақланиб қолган туркий таржимаси ҳақида сўз юритилади. Таржимани XVI асрда амалга оши-

БУ АЖИБ ДУНЁ «Денгиз корридоиси»

Ҳар йил Гаванада қилич балиқлари овлаш бўйича Хемингуэй соврини учун мусобакалар ўтказилади. «Денгиз корридоиси» деб аталадиган бу мусобакаларнинг Гаванада муносабатлари беҳиз эмас. Маълумки Эрнест Хемингуэй узоқ йиллар давомида Кубада яшаб, қўл вақтини денгизда ўтказар ва Куба балиқчилари билан яқин алоқада бўлар эди. У ўзининг «Чол ва денгиз» киссасини Куба балиқчиларига бағишлаган ва бу китоб балиқчилар тақдир ҳақида ҳикоя қилувчи меҳнат маҳсулига айланган. Хемингуэй бир умр спорт, ов билан шуғулланган, Бокс, бейсбол, голф ва бошқа мусобакаларда иштирок этган. Унинг энг асосий машғулотларидан бири балиқ овлаш бўлган. Шунинг учун ҳам Хемингуэйни, унинг балиқчилар билан дўстлигини хотирлаш мақсадида Кубада ҳар йили Хемингуэй соврини учун мусобакалар ўтказилади.

Омонулла Бўриевнинг «Езма меросимизнинг йirik тадиқот-чиси» мақоласи атоқли маънашунос олим устоз Асоиддин Уринбоевнинг табаруқ етмиш ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган. Албатта, қисқача ахборотимизда тўпланмадаги йигирмадан ортиқ мақолаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш имконияти йўқ. Утмиш тарихимиз ва маданиятимизга қизиққан ўқувчилар, «Шарқшунослик» мажмуасининг ушбу ва баъзи олиндиғи сонларини Абу Райхон Беруний институти кутубхонасидан олишлари мумкин.

Гулом КАРИМ

Ноёб расм

Қалдирғоч ини, яна аниқроғи, узун қанот тоғ қалдирғочларининг ини жуда ноёб таомдир. Бу қушлар Таиланд соҳили яқинидаги оролларда яшайди. Улар ўз илларини тиллари остидаги моддадан қуришади. Маҳаллий аҳоли қалдирғоч илларини йиғиб, энг ҳашаматли ресторо-ларга сотишади.

Узун қанотлилар инидан тайёрланадиган модда қадим замонлардан бую ноёб ҳисобланади. У жөн-шенё сингари одамни ёшартиради, унга куч-қувват ва саломатлик бахш этар экан.

Куя туши

Венецияда сақланаётган мумтоз расмоллик асарларнинг ашаддий ганими намгарчилик ва могор ҳисобланиб келинади.

Куянинг олдида бу офатлар ҳолва экан. Бу ўша — жундан тайёрланган нарсаларнинг шўрини қуритиладиган куя. Яқинда Уйғонши даври бошқ италян мусавири Жовани Батиста Телполнинг «Тантана қилаётган Дева» асарига куя тушиди. Венеция мусавирлар мактабининг доврўкли вакили Телполо ўз шаҳрига қўллаб санъат асарларини мерос қолдирган эди, бироқ улар орасида «Тантана қилаётган Дева» айрича қадрланарди. Мазкур асар XVIII асрнинг ўрталаридан бери «Скуола Гранде дей Кармини» ибодатхонасида сақланиб келинар, бундан ўн йилча олдин тула таъмирдан чиқарилган, шундан кейин ҳам уни сон-саноксиз сайёлар томоша қилишган эди... Қўтилмаганда 20 квадрат полотно ерга қулаб тушиди. Зудлик билан йиғилган мутахассислар расмоллик санъатининг бу ноёб намунасини синчилаб қўриб, унинг «хасталигига» куя сабаби, деган ҳулосага келишди.

Ўзан изини топди

Қадимги саркардалардан бири Пирр ўрмонига ўт қўйишни буюрган экан.

Бундай ақлга сиғмайдиган жиниликни саркарда, подшоҳ Кир II ҳам бошидан ўтказган. У хосиятли оти қўчи кетган Диола дарёсини ўлим жазосига мажму қилган. Жин чалган подшоҳ 360 канал қаздириб, дарё сувини қуритишни буюрган. Шундан сўнг дарё минг йил ер юзасидан йўқ бўлиб кетган. Бироқ, вақт ўтиши билан Ўзан ўзининг аввалги изини толган.

Биринчи бўлиб аниқлашди

НАСА олимлари Юпитер сайёрасининг йўлдоши бўлиши Юда сув борлиғи дунёда биринчи бўлиб, энг сўнги технология ёрдамда аниқлашди.

Табиийки, бу сув мў хоплатида. Ким билди, балки у ерда шароит бошқача бўлгандир. Негаки фарзаларда айтилишича, Юпитер қачонлардир Юдуз, унинг йўлдошлари эса сайёра бўлган.

Ҳозир олимлар Ио йўлдоши бўйича тадиқотларни давом эттиришмоқда.



Устоз ва шогирд. Ravil Aliev билан олинган сурат лавҳаси.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Қиш мавсуми бошланиб, газда ишловчи иситиш асбоблари ишлатилмоқда. Ҳозирги кунда 50000 дан ортиқ хонадон табиий газдан фойдаланади. Табиий газ — энг қулай ёқилғи ҳисобланади. Аммо хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилишни талаб қилади.

Хавфсизлик қоидалари эса қуйидагилардан иборат:

- хонада газ ҳидини сезсангиз зудлик билан газ жўмрақларини беркитинг;
- дераза ва эшик дарчаларини очиб хонани шамоллатинг;
- чекиш, гугурт қақиш, электр ёритиш воситалари ва электр асбобларини ёқиш ёки ўчириш таъқиқланади.
- Дудбурони носоз ёки тортиш кучи бўлмаган газ асбобларидан фойдаланманг.

Дудбурон яхши тортмаган ҳолларда қуйидаги корхоналарга мурожаат этинг:

1. Тошкент шаҳар қўнғили ўт ўчириш жамияти. Темур Малик кўчаси, 114-уй. Тел: 65-98-55.
2. «Т-Нуробод» ҳусусий корхонаси. Алиев кўчаси, 72-уй. Тел: 98-07-97
3. «Олимжон» жамоа корхонаси. Лангар кўчаси, 161-уй. Тел: 40-17-90
4. Махсус ишлар бошқармаси. Кемерово кўчаси, 14-уй. Тел: 34-05-37

Газ асбобларини ўз ўрнидан ўзбошимчилик билан қўчириш ва уларнинг тузилишига ўзгартириш киритиш ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун газ асбобларини ўзбошимчилик билан бошқа жойга қўчириш ва резина шлангларда газ тармоғига улаш қатъиян ман қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сўзлик, расмоллик, тарихий, асарлар, таърих, адабият, тўғриваннинг «Амир Хисрав Деҳлавийнинг тарихий асарлари» мақоласида у ўзлари воқеа-ҳодисаларининг реал манзарасини ақс эттирган тарихий-бадиий дostonлар ҳам яратгани, ўрта асрлардаги Ҳиндистон тарихини ўрганиш учун мақур асарлар қимматли манба бўла оlishи илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Маълум сабабларга қўра, қўнгина ноёб асарлар, шу пайтгача кам ўрганилган эди. Истиқбол давридагина маънавий меросимизнинг салмоқли қисми бўлган диний-тасаввуфий асарларни таъқиқ қилиш учун кенг имкониятлар туғилди. Мавжуа Раззоқовнинг «Тафсири Чархий» асарининг туркий таржимаси мақоласида Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси (шогирд) Мавлоно Яқуб Чархий (вафот этган йили 1447)нинг Қўрғони Қарини тафсир қилиб, форс тилида битирган «Тафсири Чархий» асарининг ягона нусхада сақланиб қолган туркий таржимаси ҳақида сўз юритилади. Таржимани XVI асрда амалга оши-

Тошкент ҳисоб-кредит техникумини тамомлаган Хосият Шукурнова Юлдашова номига 1985 йилда берилган кт-830930 рақамли диплом йўққонлиғини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати ва жамоаси оқушли касалиқлар кафедрасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган кафедра доценти, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган врач, меҳнат фахрийи Олим Жафаровнинг ЖАФАРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўкур таъзия изхор этади.

«Non-Pasta» ЖХ жамоаси корхона лабораторияси мудариси О.Н.Сониинга турмуш уртоғи Валентин Александрович СОННИННИНГ вафоти муносабати билан чўкур таъзия изхор этади.

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2